# Изчил ҳаракат мақсадга элтади

**Экология мавзуси бугун жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турган глобал масалалардан бирига айланди. Бинобарин, табиат билан инсон бир бутун бўлиб, у ҳар бир одам ва жамият учун яшаш манбаидир. Шу боис, табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига йўл қўйиб бўлмайди. Табиатдаги барча тирик организм инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Қолаверса, инсоннинг соғлиги, узоқ яшаши, гўзал ҳаёт кечириши экологик муҳитнинг мусаффолигига ҳар жиҳатдан боғлиқдир.**


**Шоира ХАЙДАРОВА,**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати**


Президентимиз Ислом Каримов инсоният тарихида умумбашарий муаммога айланган экология ҳақида фикр юритар экан, ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида уни хавфсизликнинг асосий таҳдидларидан бири сифатида талқин этади.

Дарҳақиқат, мустақилликка қадар узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Экология, инсоф билан айтганда, эл-юртнинг келажагига, табиий бойликларини сақлаб қолишга бефарқ қарамаган айрим олимлар учунгина тадқиқот манбаи бўлиб келган. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига арзимас маблағ ажратилгани ҳам сир эмас. Бундай маблағ ўша пайтларда табиатга етказилаётган зарарнинг муайян қисмини қоплашгагина етган холос. Ўрмонларга, ўйламай-нетмай, хўжасизларча муносабатда бўлинди. Ёқилғи ва минерал хом ашё захираларидан ҳам оқилона фойдаланилган, дейиш қийин. Қурилган йирик саноат корхоналарининг табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш иншоотларига ҳам эга бўлмаганлиги фикримизнинг яна бир далилидир.

Бугун ўтмишда табиатга етказган чуқур асоратларини тугатиш ҳақида, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда экологик маданият деган тушунчанинг мағзини ҳамма ҳам бирдек англаб етди, деб бўладими? Баъзан кўча-кўйда тўпланиб қолган чиқинди уюмларига, тамаки тугатиб, қолдиғини оёғи остида эзиб, бемалол кетаётган кишиларни, ариқ сувига маҳаза ағдараётган опа-сингилларимизни, дарахт шохларини бемалол синдираётган, хазон ёқаётганларни кўриб, бунинг бизга ҳеч дахли йўқдек эътиборсиз ўтиб кетаверишимиз тўғрими? Буларнинг барчаси, алалоқибат, ўз соғлиғимизга шикаст етказишини, турли касалликларни келтириб чиқаришини, умримизни қисқартираётганини баъзида унутиб қўямиз, афсуски. Бундай нохуш ҳолнинг асосий сабаби, фикримизча, айрим юртдошларимизнинг табиат қонунларини чуқур билмаслиги, экологик билим ва тарбиянинг етишмаслигидир.

Кўпчилик қатори мени ҳам одамларни табиий муҳит мусаффолигини асрашга қандай ўргатиш керак, деган савол кўп ўйлантиради.

**Теварак-атрофни, одамларни кузатар эканмиз, инсонни болалигиданоқ табиатни севишга ўргатиш, экологик онгини шакллантириш, табиат ҳақидаги тушунчаларни унинг онгу шуурига мустаҳкам сингдириш керак, деган қатъий хулосага келамиз.**

Бизнингча, бу борада оиланинг, яъни ота-оналарнинг болалар тарбиясидаги масъулиятини ошириш ниҳоятда зарур. Бунинг учун эса, аввало, катталарнинг ўзида экологик маданият шаклланган бўлиши даркор. Бундай сифатларнинг шаклланишида эса, жамиятдаги қонунлар устуворлиги муҳим ўрин тутади. Фақат самарали ҳуқуқий тарбия ва қонунлар инсонларни табиат олдидаги мажбуриятларини чуқурроқ ҳис қилишларига ундай олади.

Ўзбекистон экологик ҳаракати ана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, экологик йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг *«Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари лозим»*, дея Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар олдига аниқ вазифаларни қўйгани бежиз эмас.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари томонидан Президентимиз белгилаб берган вазифаларни собитқадамлик билан амалга ошириш учун қонун ижодкорлиги борасида кенг кўламли изланишлар олиб борилаётир. Фаолиятимизнинг экологик муҳитни барқарорлаштириш борасидаги қонунларни такомиллаштириш ва янгиларини қабул қилишда ташаббус кўрсатишга йўналтиргани, ўйлаймизки, яқин келажакда ўзининг самарасини бериши табиий.